

**Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг 2025 йил
давомида амалга оширган ишлари юзасидан
ҲИСОБОТ**

Спорт федерация (ассоциация)ларнинг спортчиларга допингга қарши кураш бўйича 30 мартаба семинарларда жами 1059 нафар спортчилар иштирок этган. Спорт федерациялари ва ассоциацияларнинг бош котиблари, антидопинг йўналиши бўйича маъсуллар ва тиббиёт ходимлари учун 4 июнь куни “Спортда тақиқланган моддалардан терапевтик мақсадларда фойдаланиш учун бериладиган Терапевтик истиснолар (ТИ)га ариза топширишда йўл қўйилаётган хатоликлар” мавзусида ташкил килинган илмий-амалий конференцияда жами 120 та вакиллар иштирок этди.

2025 йилнинг 12-13 март кунлари Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг Йиллик симпозиуми (WADA Annual Symposium 2025) бўлиб ўтди ва агентлик ходимлари қатнашдилар.

Бутунжаҳон антидопинг агентлиги томонидан Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ташкил этилган тестлаш дастурини тузишга доир ўқув семинари, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё минтақавий антидопинг агентлиги (РАДОКА) томонидан ташкил этилган Спортда терапевтик истиснолар ўқув курсида ҳамда Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг Терапевтик истиснолар бўйича глобал таълим ва ривожланиш тизими (WADA GLDF TUE) ўқув курсида фаол қатнашиб, Осиё ва Океания давлатлари қатнашчилари билан билим ва тажриба алмашилди.

Сентябрь ойида Таиланднинг Бангкок шаҳрида Антидопинг Суриштирув ва текширувлар семинарида иштирок этилди. Тадбир Бутунжаҳон антидопинг агентлиги ва Интерпол ҳамкорлигида ўтказилди. Суриштирувлар ва текширувларни ўтказиш, ташкил қилиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш борасидаги билим ва кўникмалар оширилди. 1-5 декабрь кунлари Жанубий Кореянинг Бусан шаҳрида Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг “Спортда допингнинг олдини олиш бўйича 6-бутунжаҳон конференцияси” бўлиб ўтди ва бунда агентлик ходимлари иштирок этди. ВАДА томонидан молиялаштирилган Таиланд, Япония, Индонезия ва Қозоғистон давлатларида 5 нафар агентлик мутахассислари малака оширди ва 5 нафари Халқаро допинг офицер даражасига тайерланди.

Лос-Анжелас-2028 Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни комплекс тайерлаш учун махсус дастур ишлаб чиқилди, олимпия спорт турига кирувчи федерация ва ассоциацияларда антидопинг бўйича маъсул бириктирилди ва маъсулларга 3 кунлик тренинг утказилди. Миллий терма жамоа спортчиларига индивидуал мастер-класс ва тушунтиришлар олиб борилмоқда, хусусан июль-ноябрь ойларида **313** спортчига мастер -класслар ўтказилди

Спортчилар, спорт федерациялари ва ассоциациялари ходимлари, ҳамда антидопинг мутахассислари учун ADAMS тизимидан фойдаланиш ва натижаларни бошқариш жараёни ҳақида **2** та услубий тавсиянома тайёрланди ва нашр этилди.

Спортчилар учун talim-uznada.uz антидопинг таълимоти электрон платформасида 2025 йил давомида **56 384** та фойдаланувчи ташриф буюрган. Платформа фаолияти йўлга қўйилгандан бошлаб, ҳозирги кунга келиб **22 128** та спортчи рўйхатдан ўтган ва **19 375** та спортчи сертификат олган.

Шунингдек, dori-uznada.uz платформасида **2701** нафар спортчилар фойдаланган.

Республикамиз ҳудудлардаги спорт мактабларидан **1303 нафар** мураббий ва шифокорларига допинг профилактикаси мавзусида малака ошириш курсларида ўқитилди ва сертификат берилди.

45000 та дори воситаларини таркиби ўрганилиб, спортда тақиқланган **3291** таси аниқланиб, спортчиларга фойдаланиш учун етказилмоқда.

2025 йил давомида агентлик йиллик тест олиш рўйхатига киритилган **167** нафар (51 та RTP, 116 та TP) спортчи жойлашув маълумотини такдим этиши мониторинг қилиб борилди.


ADAMS тизимида жойлашув маълумотларини ўз вақтида киритмаган ҳамда тестлаш жараёни учун кўрсатилган манзилда бўлмаган **27** нафар спортчига огоҳлантириш (флажок) берилди. Огоҳлантириш берилган спортчилар билан қўшимча тушунтириш ишлари олиб борилди ва уларга ADAMS-тизимидан фойдаланиш тўғрисида қайта тренинглар ўтказилди.

20 нафар спортчидан мусобақа давомида ва мусобақадан ташқари даврда ўтказилган допинг синови (тестлаш) натижасида тақиқланган моддалар аниқланди.

2025 йил давомида спортчилардан **714 та** допинг синамаси олинган, Шундан **235** таси мусобақалар давомида ва **479 та** допинг синама

мусобақадан ташқари даврда олинган. Шунингдек, спортчининг биологик паспортини яратиш учун 63 та қон таҳлили режага асосан олинган ва Бутунжахон антидопинг агентлиги томонидан аккредитациядан ўтган лабораторияга қисқа муддатларда таҳлил учун етказилган.

**Ўзбекистон Миллий антидопинг
агентлиги директори**



А.Садиков